

“ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ”

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2017 йил 15 ноябрь



Бухоро - 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

**“ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ
ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА
МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ”**

**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН**

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

БУХОРО, 2017

ПОЗИТИВ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	
С.С. АБДУЛЛАЕВ, Б.Х. МАДРИМОВ, С.Д. ДЎСТОВ. СОЗДАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА СТУДЕНТОВ СРЕДСТВАМИ НАРОДНОГО ИСКУССТВА.....	219
Н. ИСМАТОВА, Д. ХОТАМОВА. ОИЛАДА СОҒЛОМ МУҲИТ ВА СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	222
Б. МУСТАФОЕВ. МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТАЪЛИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ.....	223
Р. НЕМАТОВА. ЁШЛАРДА ЮКСАК ФИДОЙИЛИК ҲИС-ТУЙҒУЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....	225
Ф. НУРУЛЛАЕВ, Д. САЙФИДДИНОВА. МУСИҚА ИНСОН ҚАЛБИНИНГ ГАВҲАРИ	227
R. KADIROV, N. ORIROVA. MILLATIMIZ TARIXIGA BIR NAZAR.....	228
Д. САЙФУТДИНОВА. ЯНГИ КУН НАВРЎЗ АЙЁМИНИНГ СЕРЖИЛО ФАЗИЛАТЛАРИ.....	229
Б. ХЎЖАЕВ. ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ МАЪНАВИЙ–АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ НЕГИЗИ.....	231
З. САФАРОВА, Н. ШАМСИЕВ, М. ЗАРИПОВА. БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	233
Ш. ШАРОПОВА, Р. АТОЕВА, С. ОЛИМОВА. ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	235
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ: ТАРИХИ, БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ	
Ф. ТЎРАЕВ. ЁДНОМА. БОҚИЖОН АШУРОВ (1917-2017).....	239
С. ДЎСТОВ. ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ.....	240
SH. NAUITOV. MA'RIFAT XIRMONINI BUNYOD ETISH MASHAQQATLARI.....	242
Ш. МУСТАФОЕВ. ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШДА МУСИҚА МАДАНИЯТИ ФАНИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	244
А. РАҲМАТОВ, С. ПАРДАЕВ. ОММАВИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИДА «ҚАРСАК» АЙТИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖРОВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	247
B. BOLTAEV, E. DJALILOV. MUSIQA DARSLARIDA SAMARQAND DOSTONCHILIK MAKTABLARI BILAN TANISHTIRISH.....	249
N. HASANOVA, E. ABDUKARIMOVA. MUSIQA TA'LIMIDA FANLARARO BOG'LIQLIK VA ALOQADORLIKNING AHAMIYATI.....	251
M. MURODOV, G. BURHONOVA. MUSIQIY NAZARIY BILIMLARNI O'ZLASHTIRISHDA DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANISH.....	253
I. QUDRATOV, S. AYAROV. TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA MAVZULI KONSERTLARINING AHAMIYATI	255
У. МАТЁҚУБОВА. МУСИҚА ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	257
САНЪАТГА БАХШИДА УМР. БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ДОЦЕНТИ, БАСТАКОР А. А. ХИДИРОВ 70 ЁШДА	
Б. МАДРИМОВ. БАСТАКОР АСҚАР ХИДИРОВ 70 ЁШДА	262
Д. АТАБАЕВ. АСҚАР АКА ХИДИРОВ 70 ЁШДА	263
ОШИҚ ЭРКИН. СОЗИ ХУШНАВО, КУЙЛАРИ ДИЛРАБО	264
Д. ЮСУПОВ. БАСТАКОР ВА УСТОЗ МУРАББИЙ АСҚАР ХИДИРОВ 70 ЁШДА	266
М. АЗИМ. СУВОРА ИЛҲОМЛАРИ	267
Э. ЖАЛИЛОВ. МОҲИР ХОНАНДА, УСТОЗ ВА МУРАББИЙ	269
Мундарижа	270

Б. Мадримов

**БухДУ Мусиқий таълим кафедраси мудири,
педагогика фанлари номзоди, доцент**

БАСТАКОР АСҚАР ХИДИРОВ 70 ЁШДА

Санъаткорлик туйғуси ҳаммага насиб этмайди. У қалби кенг, дилида ажойиб таровати, жозибаси, нафосати баланд кишиларгагина насиб этади. Санъаткор деган ном билан элга танилади. Халқ ўз санъаткорларини ардоқлайди. Айниқса у кўнрақчи бўлса, энг юксак орзули кунларида, тўй-маъракаларида уни кўришни истайди. 2000 йилда эл севган санъаткорлар орасида Асқар ака Хидиров ҳам бор.

Унинг яратган кўнрақчи халқона руҳ, миллий нафосат ва ўктам жозоба яққол намоён бўлиб туради. Бундай туйғулар уни тинглаган ҳар қандай тингловчини ўз жозибасига тортиб туради.

"Лазги" ансамблида ишлаб юрган даврларида Ўзбекистон, Қорақўл Республикаси, Татарстон халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати Отажон Худойшукуров билан дўст тутинган. У киши билан яқинлиги шуки, бир-бирларига ҳазиллашиб лақаб қўйганлар. Отажон ака "Асқаридзе" деса, Асқар ака "Оташивилли" деб ҳазиллашган. Соғлигини йўқотиб касал бўлиб қолган пайтларида телефон қилиб "Асқаридзе дўстим, менга Тошкентни оби нонидан ва носидан юборсанг" деб айтар эди. У киши Тошкент аэропортидан Тўрткўл аэропортига самолётда айтган нарсаларини жўнатар эди.

Асқар ака Самарқандда яшаган пайтларида хивалик қўшниси Рўзмат ота билан жуда яқин дўст бўлган. У киши набираларига тўй қиладиган бўлган. Тўй маслаҳатида Рўзмат ота Асқар акага: "Сен Тошкентдан келаётган устоз Комилжон Отаниёзовни кутиб олиб, у кишининг хизматида бўласан" деди. Рўзмат ота Комилжон Отаниёзовни энг яқин дўсти эди. У кишининг илтимослари билан у киши Комилжон Отаниёзовни кутиб олган. Шу пайтларда устознинг соғликлари биров яхши эмас эди. Даврага келибоқ устоз халққа қараб саломлашиб турган пайтда кўзлари бирдан устоз Ҳожихон Болтаевга тушган. Устоз ҳам ташриф буюрибтиларку деб ўринларидан турмоқчи бўлдилар. Мени ўрнимдан турғизинлар деганлар. Чунки чап оёқ кўллари яхши ишламайдиган пайтлар бўлган. Асқар ака устозни кўлларида ушлаб ўринларидан турғизиб қўйган. Буни сезган Ҳожихон Болтаев тўхтанг, шу ерда, Комилжон деб тез-тез қадам босиб келганлар. Ҳожихон Болтаевнинг ҳурматлари учун Комилжон Отаниёзов ҳам икки уч қадам босганлар. Ҳожихон устоз Комилжон акани кўлларида ушлаб сиқилманг ойнанинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади, ҳали соғайиб кетасиз деб кўнгил бердилар. Бу икки устознинг бир-бирларига бўлган меҳр ва ҳурматларини кўриб Асқар ака жуда таъсирланган. Бастакор Асқар Хидиров устозлари Ўзбекистон халқ артисти Қувондиқ Искандаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шариф Султонов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов, Ўзбекистон халқ артистлари Ҳожихон Болтаев, Олмаҳон Ҳайитова, Ортиқ Отажоновлар дуоларини олиб шу даражаларга эришган.

...У она юрти Қоракўлни кўмсарди. Ўз она тупроқда хизмат қилишни орзу қиларди. Асқар Хидиров 2000 йилда Қоракўлга келиб, туман маданият бўлимида фаолият кўрсатди. Ўз санъаткорлик билимини ёшларга ўргатишни ўзининг инсонийлик бурчи деб билди. Кейинчалик 2006 йилда ижодкор БухДУ Педагогика факультети мусиқа таълими йўналишига ўқитувчи сифатида қабул қилинди. Ҳозирга қадар устоз талаба-ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

Моҳир бастакор, устоз санъаткор, хушовоз хонанда, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси Асқар Хидировни табаррук 70 йиллик тўйи билан муборакбод эгаман. Ҳамиша мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, куч-гайрат ва оилавий бахт тилайман. Ижодда баркамоллик ёр бўлсин!

Д. Атабаев

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Хоразм вилояти кўғирчоқ театри директори**

АСҚАР АКА ХИДИРОВ 70 ЁШДА

Асқар ака Хидировнинг устозлар анъанасини муносиб давом қилдира бориб ижодкор ёшлар билан ҳамкорлиги диққатга лойиқдир. Шундай ижодий ҳамкорлик Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов ижро мактаби давомчилари Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарҳод Давлатов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов, таниқли хонанда ва созанда Очилбек Матчоновларнинг бухоролик Төлибжон Темиров, Эшпўлат Ортиқов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Соибжон Ниёзов, Республикада хизмат кўрсатган артист Юлдуз Турдиева, иқтидорли ҳофиз Илҳомжон Исмаилов ва бошқалар ўзаро устоз шогирдлик муносабатларида ёрқин намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, Асқар ака Хидиров Бухорода ўзига хос "Хонанда созанда" ижрочилик муҳитини ярата олган устоздир.

А. Хидировнинг мумтоз шеърятга бўлган ихлоси ғоятда аҳамиятли. Алишер Навоий, Оғоҳий, Машраб, Фузулий, Махтумқули каби мумтоз газалиёт вакиллари ижодига муносабати унинг илмий салоҳиятидан далолатдир. Айниқса, Оғоҳий газаллари билан "Феруз-1", "Феруз-2", "Феруз-3" ашулаларини мароқ билан ижро қилганда газал матнига ғоятда эҳтиёткорлик билан ёндашади. Ашулада битта сўз ёки бўғинни, ҳатто битта ҳарфни нотўғри талаффуз қилиш бутун бир асарнинг мазмун моҳиятини, оҳангининг бузилишини англаган ҳолда устозона ёндашади. Шу ўринда Оғоҳийнинг байти ёдимизга келди:

Ҳар ким ўқиса, дуо билан ёд этгай,
Рухимни бу ёд этмак ила шод этгай,
То Тангри ани бу карами борасида,
Жойини икки жаҳонда обод этгай.

Устозлар номларини ёд этиб, руҳларини шод этиб келаётган Асқар Хидировнинг ижоди ёш авлод учун ўрнатилган бўлиб келмоқда.

Қадимий Хива шаҳрида Асқар ака Хидиров фильм концерти тасвирга олиш жараёнида унинг хонишлари, Хиванинг меъморий обидаларидаги "нақш"лар билан уйғунлашиб кетгандай бўларди тасаввуримизда.

Бастакор Асқар ака Хидировнинг яратган "Кўнглимдек кўнгил топмадим" номли кўшиқлар тўплами (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Баҳром Мадримов) ижрочи хонандалар учун қўлланма бўлибгина қолмай, мусиқа билим юртлари, мусиқий таълим ўқувчи ва муаллимлари учун ҳам ўқув жараёнида, ўқув материали сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Асқар Хидиров ва Бухоро давлат университети мусиқа таълими кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент, таниқли устоз мураббий Баҳром Мадримовларнинг ижодий, педагогик ва дўстлик ҳамкорликлари Хоразм ва Бухоро санъати ва маданияти алоқаларининг рамзи бўлиб келмоқда ва шундай давом этаверади.

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Адади 50 нусха. Ҳажми 276 бет. Буяортма 111. 2017 йил